

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**УСМАНАЛИЕВА ЗУМРАД УКТАМОВНА**

**ИМИДАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ БЎЛГАН АНТИГЕЛЬМИНТ ДОРИ  
ВОСИТАЛАРИНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фан доктори диссертацияси (DSc) автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of the abstract of doctoral dissertation (DSc)**

**Усмналиева Зумрад Уктамовна**

Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг  
кимё-токсикологик тадқиқотлари ..... 3

**Усмналиева Зумрад Уктамовна**

Химико-токсикологические исследования антигельминтных  
лекарственных средств производных имидазола..... 29

**Usmanalieva Zumrad Uktamovna**

Chemical and toxicological studies of anthelmintic drugs of imidazole  
derivatives..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ ..... 59  
List of published works .....

**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Far.32.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

---

**УСМАНАЛИЕВА ЗУМРАД УКТАМОВНА**

**ИМИДАЗОЛ ҲОСИЛАЛАРИ БЎЛГАН АНТИГЕЛЬМИНГ ДОРИ**  
**ВОСИТАЛАРИНИНГ КИМЁ-ТОКСИКОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРИ**

**15.00.02 – фармацевтик кимё ва фармакогнозия**

**ФАРМАЦЕВТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Fag.30. рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент фармацевтика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.pharmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:** **Зулфикарниева Дилноза Алишеровна**  
фармацевтика фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** **Комилов Хожинасрор Маъсудович**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Шуқирбекова Алма Боранбековна**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Абдуллабекова Вилюятхон Нуруллабековна**  
фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент фармацевтика институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Fag.32.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «4» май соат 18 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99871) 256-37-38, факс: (+99871) 256-45-04, e-mail: info@pharmi.uz).

Диссертация билан Тошкент фармацевтика институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (33 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100015, Тошкент ш., Миробод тумани, Ойбек кўчаси, 45 уй. Тел.: (+99871) 256-37-38.

Диссертация автореферати 2022 йил «20» май кун тарқатилди (2022 йил «20» май даги 53 рақамли реестр баённомаси).



**К.С.Ризиев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

**Ё.С.Кариева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, фарм ф.д., профессор

**Ф.Ф.Урминова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фарм ф.д., профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотига кўра, инсонда содир бўладиган касалликларнинг 70-80 фоизи паразит-гижжаларнинг таъсирида келиб чиқади ва бугунги кунда гельминтларнинг инсонларда учрайдиган 250дан ортиқ тури мавжуд. Аҳоли орасида антигельминт дори воситаларга талаб ортиб бориши, улар кўп микдорда ва шифокор назоратсиз қабул қилиниши, таркибидаги фаол субстанциялар нафақат гельминтлар, балки меъёрдан ортиқ қабул қилинганда инсон организмга ҳам ноҳўя таъсир кўрсатиши натижасида мазкур фармакотерапевтик гуруҳ воситалари билан заҳарланиш ҳолатлари кенг учрамоқда. Шу муносабат билан, антигельминт дори препаратлари билан заҳарланишнинг олдини олиш, биологик объект ва суюқликлардан ажратиб олиш, аниқ ва тезкор усуллар ёрдамида аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда жаҳонда антигельминт дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари сабабли заҳарланиш ҳолатлари юз берганда тезкор диагностик таҳлилларни ўтказиш, заҳарланган биологик объектлардан ажратиб олишнинг умумий, ўзига хос усулларини ишлаб чиқиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, ушбу фармакологик гуруҳ дори воситаларининг таъсир этувчи моддаларини аниқлашнинг замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, мазкур усулларни суд-кимё экспертиза лабораториялар амалиётига таъбиқ этиш, шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш марказларида экспресс таҳлил усулларини қўллаш, суд кимёгарлари фаолияти учун амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикада бугунги кунда учрайдиган заҳарли таъсир этувчи моддаларни аниқлашда суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлиллари талабларини қондирадиган тезкор ва юқори самарали аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш, экспертиза лабораторияларни услубий таъминот билан таъминлаш бўйича муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг 2021 - 2025 йилларга мўлжалланган концепциясининг 1-илоvasида «суд-экспертлик фаолиятида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш, шу жумладан услубий ва регламентларни такомиллаштириш ҳамда соҳага фан ва техника ютуқларини жорий этиш...»<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада суд-тиббий экспертиза фаолиятида заҳарли таъсирга эга бўлган антигельминт дори воситаларини биологик объектлардан ажратиб олиш имкониятларини ўрганиш, тизимли таҳлил услубларини ишлаб чиқиш, марказлашган лабораториялар ишини такомиллаштириш, уларни услубий таъминотини янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 декабрдаги ПҚ-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги ПФ-6256-сон «Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

4049-сон «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон «Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4125-сон «Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур илмий тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини таҳлил қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Cairo University Faculty of Agriculture (Egypt), Laboratory of Medicine and Pathology, University of Toronto, In the Laboratory of Medicine and Pathology, University of Alberta, (Canada), Oxford University (USA), Sigma Institute of Pharmacy (India), Курск агросаноат ишлаб чиқариш илмий текшириш институти, Курск Давлат қишлоқ хўжалиги академияси, Курск Давлат тиббиёт университети, Волга Давлат тиббиёт университети, В.В.Закусова номидаги фармакология илмий текшириш институти, Бутунроссия фундаментал ва амалий паразитология илмий текшириш институти (Россия Федерацияси), Белоруссия Давлат тиббиёт университети (Белоруссия) олиб борилмоқда.

Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини биологик объектлардан ажратиб олиш, уларни турли усуллар ёрдамида таҳлилин амалга оширишга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий натижалар олинган: левамизолни аниқлашда ГХ-МС ва СХ-ГМС усуллари қўлланилган (University of Toronto, Canada); альбендазолни ЮССХ ва УВ-спектрофотометрия усулларида таҳлил қилиш шароитлари ишлаб чиқилган (Sigma Institute Of Pharmacy, India), левамизолни биологик суюқликлардан ажратиб олиб, ГХ-МС усулида аниқланган (University of Alberta, Canada), альбендазол ва мебендазолларни модел объектларида таҳлил усули яратилган (Курск Давлат тиббиёт университети, Россия Федерацияси); левамизолни қаҳрабо кислота билан комбинацияланган дори воситасини нематодаларга самарали таъсир кўрсатиши аниқланган (Курск агросаноат ишлаб чиқариш илмий тадқиқот институти, Россия Федерацияси); мебендазол билан празиквантел асосида янги дори технологияси тақлиф этилиб, уларни сифатини текшириш учун ЮҚХ, ЮССХ усуллари ишлаб чиқилган ва стандартланган (Хайнонлар ва озуқалар учун дори

<sup>2</sup> Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.elsevier.com/locate/jethnarn](http://www.elsevier.com/locate/jethnarn), [www.springerlink.com](http://www.springerlink.com) ва бошқа манбаелар асосида ошқолантирилган.

воситаларининг сифатини стандартлаштириш Бутунроссия Давлат маркази, Россия Федерацияси); альбендазол ва мебендазолни ноҳўя иммунобиологик таъсирлари тажриба ҳайвонларида аниқланган (К.И.Скрябин номидаги гельминтология илмий-тадқиқот институти, Россия Федерацияси).

Дунёда антигельминт дори воситалари билан турли даражадаги захарланиш ҳолатларини олдини олиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: антигельминт дори воситаларининг таъсир этувчи моддаларини аниқлашнинг замонавий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, ушбу усулларни суд-кимё экспертиза лабораториялар амалиётига татбиқ этиш, шонининч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларида экспресс таҳлил усулларини олиб бориш, суд-тиббий экспертизаси марказларида аниқ ва сезгир таҳлил усулларини қўлиниш, суд кимёгарлари фаолияти учун амалий ёрдам кўрсатиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Имидазол ҳосиллари бўлган антигельминт дори воситалар (альбендазол, мебендазол, мепамин, левамизол) ни захарланган биологик объектлардан ажратиб олиш, суд-кимё ва кимё-токсикологик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш борасида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Дунё миқёсида антигельминт дори воситаларини фармако-токсикологик хусусиятларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва экспертиза лабораторияларнинг иш жараёнига татбиқ этиш борасида қуйидаги олимлар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган: L.Sh. Jennifer, J.F.Casale, L.Tong, K.L.Lynch, J.Shen, M.Danaher, F.John, J.F.Casale, L.P.Raymon, E.Bertol, И.А.Архипов, Е.В.Абрамова, Л.А.Верещагина, Б.В.Виолин, Г.Г.Максименя, Е.В.Лагерева, С.Т.Карелин, Л.А.Смирнова, А.А.Илларионов, Е.В.Караченцева, А.А.Евглевский, С.С.Халиков, А.И.Варламова, В.К.Шорманов ва б.

Мазкур фармакотерапевтик гуруҳ дори воситаларини таҳлил қилишнинг замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларини ишлаб чиқиш, стандартлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўзбек олимларидан Ш.Абдуллаев, Т.Содиқов, Х.Н.Ариповлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Мазкур диссертация иши илк бор имидазол ҳосиллари бўлган антигельминт дори воситалари учун кимё-токсикологик тадқиқотлар талабини қондирадиган тезкор, аниқ ва сезгир бўлган услубларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқилган таҳлил услубларини биологик объектлар таркибидан ажратиб олинган моддаларни аниқлаш учун татбиқ этиш ва улар асосида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ва унинг филиалларининг суд-кимё бўлимлари фаолияти учун зарур бўлган умумлаштирилган услубий тавсияномалар тайёрлаш бўйича илмий изланиш хисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент фармацевтика институти илмий-тадқиқот ишлари

режасининг «Фармацевтик ва токсикологик таҳлил усулларини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситалари (альбендазол, мебендазол, медамин, левамизол) билан заҳарланиш ҳолатларининг назарий жиҳатдан асосланган суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлил усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларида аниқлашнинг оптимал таҳлил услубларини ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд шароитларини такомиллаштириш ва уларни суд-кимё ва кимё-токсикологик объектлар учун татбиқ этиш;

Ўрганилаётган имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини сувли муҳитдан экстракцияси ва бунга таъсир этувчи омилларни ўрганиш ҳамда бунинг асосида биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олишнинг тезкор диагностик усулларини ишлаб чиқиш;

модел ашёлар таркибидан имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини ажратиб олишнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш;

Ўткир заҳарланиш ҳолатларида имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига тарқалиши ва тўпланишини аниқлаш;

Ўрганилаётган антигельминт дори воситаларини биологик объектларда сақлаш муддатлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш;

ишлаб чиқилган таҳлил услубларини суд-тиббий экспертизаси объектларидан ажратиб олинган моддаларни аниқлаш учун тавсия этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида альбендазол, мебендазол, медамин, левамизол дори воситалари ва уларнинг стандарт намуналари, модел ашёлар (жигар, қон ва пешоб) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини суд-тиббий экспертиза объектлари (лаборатория ҳайвонлари ички аъзолари, қон, пешоб ва ошқозон чайинди сувлари)дан ажратиб олиш, сифат ва миқдорини аниқлашнинг замонавий физик-кимёвий усулларини ишлаб чиқиш ва уларни суд-кимё бўлимлари ҳамда ўткир заҳарланиш ҳолатларида тез-тиббий ёрдам кўрсатиш учун клиник токсикология бўлимлар имидиетини тибқиқ этишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотни бажаришда замонавий физик-кимёвий усуллари (юкка катлам хроматографияси, юкори самарали суюқлик хроматография, УВ-спектрофотометрия, термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия) усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий аниқлаш куйиди ишлардан иборат:**

антигельминт дори воситаларини аниқлаш учун ЮКХ, ЮССХ, УВ-спектрофотометрия ва ТДСНС таҳлил усулларида аниқлашнинг оптимал услублари ишлаб чиқилган;

мавжуд таҳлил услубларини такомиллаштирилган ва кимё-токсикологик

текширув объектларида моддалар аниқланган;

имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини сувли муҳитдан экстракциясига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва моддаларни биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олишнинг тезкор диагностик усуллари ишлаб чиқилган;

илк бор альбендазол, мебендазол, медамин ва левамизол дори воситаларини биологик объектлардан ажратиб олишнинг назарий асосланган услублари ишлаб чиқилган;

имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини захарланган лаборатория ҳайвонлари ички аъзоларига тарқалиши ва тўпланиши аниқланган;

альбендазол, мебендазол, медамин ва левамизол препаратларини биологик объектларда сақланиш муддатлари ҳамда уларга таъсир қилувчи омиллари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

альбендазол, медамин, левамизол дори воситаларини замонавий ТДСИС усулида экспресс таҳлил қилиш услублари ишлаб чиқилган ва биологик суюқликлардан ажратиб олинган ушбу моддалар таҳлили учун қўлланилган;

модел ашёлар таркибидан ажратиб олинган альбендазол, мебендазол, медамин, левамизол дори воситалари ЮҚХ скрининг усулида ёт моддалардан тозалаб олинган;

биологик суюқлик ва объектлардан ажратиб олинган имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг миқдори УБ-спектрофотометрия ва ЮССХ усулларида қиёсий аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган натижаларнинг ишончлилиги даражаси математик статистик таҳлил усулларидан фойдаланилганлиги, замонавий физик-кимёвий таҳлил натижаларининг тасдиқланганлиги ва олиб борилган тадқиқотлар суд-кимё экспертизаси фаолиятида апробациядан ўтганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт препаратларини биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олишнинг тезкор диагностик усулларини ишлаб чиқилганлиги ҳамда уларни таҳлил қилишнинг ЮҚХ-скрининг, ЮССХ, УБ-спектрофотометрия ва ТДСИС каби замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида аниқлаш имконини яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таҳлил услубларини амалиётга қўллаш орқали имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситалари билан захарланиш ҳолатларида беморларга тез тиббий ёрдам кўрсатишга имкон бериши билан изоҳланади. Тайёрланган услубий тавсияномалар Республика Суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари суд-кимё бўлимларида ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг клиник токсикология бўлимида ўрганилаётган моддаларни аниқлаш ишларини олиб боришга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг кимё-токсикологик тадқиқотлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Антигельминт таъсирли дори воситаларини биологик объект ва биологик суюқликлардан ажратиб олиш ва хроматографик усулларда таҳлил қилиш» (7.08.2021 й., №8н-р/728) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 08-10355-сон маълумотномаси). Натижада антигельминт таъсирли дори воситаларини аниқ усулларда таҳлил қилиш имконини берган;

«Суд-кимё амалиётида антигельминт таъсирли дори воситаларини спектрал усулларда таҳлил қилиш» (7.08.2021 й., №8н-р/729) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 08-10355-сон маълумотномаси). Натижада антигельминт таъсирли дори воситаларини суд-кимё бўлимларида биологик объект ва биологик суюқликлардан ажратиб олиш ва таҳлил қилиш имконини берган;

«Экспресс анализ при острых отравлениях некоторыми антигельминтными препаратами» (7.08.2021 й., №8н-р/727) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 08-10355-сон маълумотномаси). Натижада антигельминт таъсирли дори воситаларидан ўткир захарланиш ҳолатларида клиник токсикология бўлимларида тезкор таҳлилларни ўтказиш имконини берган;

«Антигельминт таъсирли дори воситаларини биологик объектларда сақланиши ва тарқалишини аниқлаш» (7.08.2021 й., №8н-р/730) услубий тавсиянома Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 19 апрелдаги 08-10355-сон маълумотномаси). Натижада антигельминт таъсирли дори воситаларидан захарланиш ҳолатларида уларнинг қайси аъзоларда тўпланишини аниқлаш, ҳамда таҳлил ўтказилиши мумкин бўлган вақт оралиғини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг яробаҳисси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамидан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олтига боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 178 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазибалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётта жорий қилиш ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертация таркиби юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситалари ҳақида умумий маълумотлар» деб номланган бўлиб, бунда антигельминт дори воситаларининг гельминтларга таъсир этиш механизми бўйича таснифи тўғрисидаги умумий маълумотларни ўз ичига олган адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситалари: альбендазол, мебендазол, медамин, левамизолларнинг токсикологик хусусиятлари ва улар билан учрайдиган заҳарланиш ҳолатлари, физик-кимёвий хоссалари ва уларни кимё-токсикологик тадқиқ қилиш муаммолари ҳақида маълумотлар келтирилган.

Иккинчи боб «Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг хроматографик таҳлил услубларини ишлаб чиқиш ва мавжуд усулларини такомиллаштириш»га бағишланган бўлиб, имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини ЮҚХ, ЮССХ, усулларида таҳлил қилишнинг мўътадил шароитларини ишлаб чиқиш ҳамда кимё-токсикологик объектлардан ажратиб олинган моддани аниқлашга татбиқ этиш борасидаги тадқиқотлар баён этилган.

ЮҚХ усулида имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини балласт моддалардан тозалаш, идентификациялаш мақсадида бир неча органик эритувчилар ва уларнинг аралашмаларида хроматографик тақсимланиши, хроматограммадаги доғларни ёритишда қўлланиладиган реактивлар сезгирлиги ўрганилди. Таҳлил «Silufol UV-254» маркали тайёр хроматографик пластинкаларда олиб борилди. Олинган таҳлил натижаларга асосан альбендазол, медамин ва мебендазолларни хроматографиялашда хлороформ-этил спирти-чумоли кислотанинг (8:1:1) нисбатдаги аралашмаси сақлаган эритувчилар системаси мақбуллиги аниқланди. Левамизол учун эса хлороформ-этил спирти-чумоли кислотанинг (4:1:2) нисбатдаги аралашмаси мақбул деб белгиланди. Хроматограммадаги доғларни ёритишда фойдаланилган реактивлар сезгирлигини аниқлаш борасида олиб борилган тажрибалар натижасида ўрганилаётган антигельминт дори воситалари учун УБ-нури ва Мунье бўйича модификацияланган Драгендорф реактивлари энг сезгир деб танлаб олинди. Уларнинг сезгирлиги 1 мкг ташкил этди.

Юпқа қатлам хроматографик усул ёрдамида имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини балласт моддалардан тозалаш мақсадида элюация қилиш имкониятлари ўрганилди.

Тадқиқотлар натижасида ЮҚХ-скрининг таҳлили учун муътадил услублар ишлаб чиқилди. Ушбу таҳлил услубларида биологик суюқликлар ва объект таркибидан ажратиб олинган альбендазол, мебендазол, медамин ва левамизолни аниқлаш ва тозалаш мақсадида тажрибалар ўтказилди. Натижалар ишлаб чиқилган ЮҚХ-скрининг усули имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини идентификациялаш ва ажратмаларни тозалашда яроқлигини кўрсатди. Таҳлил натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўрганилаётган антигельминт дори воситалари учун ишлаб чиқилган ЮҚХ-скрининг таҳлил услублари**

Моддалар	Эритувчилар системаси	Очувчи реактив	Rf кўрсаткич	Элюант
Альбендазол	хлороформ - этил спирти - чумоли кислота (8:1:1)	УБ-нурда товланиш; Мунье буйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,70	0,1 М хлорид кислота
Мебендазол			0,60	
Медамин			0,66	
Левамизол	хлороформ - этил спирти - чумоли кислота (4:1:2)	Мунье буйича модификацияланган Драгендорф реактиви	0,47	0,1 М сульфат кислота


ЮССХ усули тезкор услублардан бўлиб, мураккаб таркибли аралашмалардаги моддаларни бир-биридан ажратиш, сифат ва миқдорини аниқлаш имкониятларини беради. Услубнинг афзалликларини инobatта олган ҳолда имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини ЮССХ усулида таҳлил қилиш услуги ишлаб чиқилди. Ушбу усул Республика Суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларининг суд-кимё бўлимларида мавжуд бўлган УБ-спектрофотометрия услугига муқобил усул сифатида танлаб олинди.

Тажрибалар «Agilent 1100 series» русумли юқори самарали суюқлик хроматографида олиб борилди. Асбоб юқори босимда ишлашга мўлжалланган изократик насос, 190-600 нм тўлқин узунликларида таҳлил ўтказувчи спектрофотометрик детектор, қўзғалувчи физик таркибидаги газларни йўқотувчи курилма, 20 мкл ҳажмли ўлчов ускуни – «Rheodyne» ињектори ва хроматографик колонкадан ташкил топган. Асбоб тўлалигича «Chemstation A.09.03» дастури ёрдамида компютер орқали бошқарилади.

Альбендазолнинг юқори самарали суюқлик хроматография усулида аниқлашда истишишлар қушидаги шартларда олиб борилди: хроматографик колонка - 3x100 мм; сорбент - Eclipse XDB; заррача ўлчами - 3,5 мкм; детекцияланган тўлқин узунлиги - 294 нм; мобил фаза: аммоний дигидрофосфат - метанол (300/700), элюант оқими тезлиги - 1,0 мл/дақ; колонка ҳарорати - уй ҳарорати; тешиқ таҳлил давомийлиги 15 дақиқа.

Альбендазолнинг стандарт шиммусидан 0,02 г (а.т) тортилиб, 50 мл ўлчов қолбасида 5 мл 1% сульфит кислота эритмасида эритилиб, эритманинг

ҳажми белгисигача мобил фаза билан етказилди. Шу эритмадан альбендазолнинг ишчи стандарт эритмалари тайёрланиб, таҳлили амалга оширилди. Ишлаб чиқилган хроматографик таҳлил шароитлари асосида биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган альбендазолни хроматографияси амалга оширилганда, ишчи стандарт модданинг ушланиш вақти билан бир хил натижа бериши кузатилди. Ушбу шароитларда альбендазолнинг ушланиш вақти 8,2 дақиқани ташкил қилди. (1-расм).




**1-расм. Альбендазол стандарт эритмасининг (а) ва биологик объектидан олинган ажратмасининг (б) ЮССХ хроматограммалари**

Тажрибалар натижасида услубнинг альбендазол учун аниқлашларнинг чизикли диапазони 1-40 мкг ва сезгирлиги 0,3 мкгни ташкил этди.

Мебендазолни ЮССХ усулида таҳлили куйидаги шароитларда олиб борилди: хроматографик колонка - 4,6 x150 мм; сорбент - Eclipse ACE 5 C18 S/N – А 82851; заррача ўлчами - 5 мкм; детекциялаш тўлқин узунлиги - 210 нм; мобил фаза: аммоний дигидрофосфат-метанол (20:80); элюент оқими тезлиги - 1,0 мл/дақ.; колонка ҳарорати - уй ҳароратига тенг; таҳлил давомийлиги 10 дақиқа.

Мебендазолнинг стандарт намунасида 100 мг (а.т) тортилиб, 100 мл ўлчов колбасида 5 мл 1% сульфат кислотада эритилди ва эритманинг ҳажми белгисигача метанол билан етказилди. Шу эритмадан 1мл олиниб ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солинди ва ҳажми белгисигача метанол билан етказилиб, таҳлили амалга оширилди. Ишлаб чиқилган хроматографик таҳлил шароитлари асосида биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган мебендазолни таҳлили амалга оширилганда, ишчи стандарт модданинг ушланиш вақти билан бир хил натижа бериши кузатилди. Ушбу шароитларда мебендазолнинг ушланиш вақти 3,3 дақиқани ташкил қилди (2-расм).




**2-расм. Мебендазол стандарт эритмасининг (а) ва биологик объектдан олинган ажратмасининг (б) ЮССХ хроматограммалари**

Таҳлиллар натижасида услубнинг мебендазол учун аниқлашларнинг чизикли диапазони 10-50 мкг ва сезgirлиги 0,3 мкгни ташкил этди.

Медаминни ЮССХ усулида таҳлили куйидаги шароитларда олиб борилди: хроматографик колонка - 4,6 x 200 мм; сорбент Zorbax Eclipse XDB C-18; заррача ўлчами - 5 мкм; детекциялаш тўлқин узунлиги - 210 нм; мобил фаза: фосфат кислотаси-метанол-ацетонитрил (70:15:15) аммиак эритмаси ёрдамида pH=6,0 келтирилган; элюент оқими тезлиги - 1 мл/дақ.; колонка ҳарорати - хона ҳароратига тенг; таҳлил давомийлиги 10 дақиқа.

Медаминнинг стандарт намунасида 0,02 г (а.т) тортилиб, 50 мл ўлчов колбасида 5 мл 1% хлорид кислота билан эритилиб, эритманинг ҳажми белгисигача мобил фаза билан етказилди. Шу эритмадан медаминнинг ишчи стандарт эритмалари тайёрланиб, таҳлили амалга оширилди. Ишлаб чиқилган хроматографик таҳлил шароитлари асосида биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган медаминни хроматографияси амалга оширилганда, ишчи стандарт модданинг ушланиш вақти билан бир хил натижа бериши кузатилди. Танланган хроматографик шароитларда медаминнинг ушланиш вақти 7,9 дақиқани ташкил қилиши аниқланди (3-расм).




**3-расм. Медаминнинг стандарт эритмасининг (а) ва биологик объектдан олинган ажратмасининг (б) ЮССХ хроматограммалари**

Тажрибалар натижасида услубнинг медамин учун аниқлашларнинг чизиқли диапазони 1-6 мкг ва сезгирлиги 0,5 мкг ташкил қилиши аниқланди.

Левамизолни юқори самарали суюқлик хроматография усулида таҳлили куйидаги шароитларда олиб борилди: хроматографик колонка - 4,6 x 150 мм; сорбент - Eclipse XDB C-18; заррача ўлчами - 3 мкм; детекциялаш тўлқин узунлиги - 215 нм; мобил фаза: метанол-дистилланган сув (80:20); элюент окими тезлиги - 2,0 мл/дақ.; колонка ҳарорати - уй ҳароратига тенг; таҳлил давомийлиги 10 дақиқа.

Левамизолнинг стандарт намунасида 25 мг (а.т) тортилиб, 25 мл ўлчов колбасида 5-10 мл дистилланган сувда эритилди ва эритманинг ҳажми белгисигача метанол билан етказилди. Шу эритмадан 1мл олиниб ҳажми 100 мл бўлган ўлчов колбасига солинди ва ҳажми белгисигача метанол билан етказилиб, таҳлили амалга оширилди. Ушбу шароитларда левамизолнинг ушланиш вақти 3,9 дақиқани ташкил қилди (4-расм).



**4-расм. Левамизолнинг стандарт эритмасининг (а) ва биологик объектдан олинган ажратмасининг (б) ЮССХ хроматограммалари**

Ишлаб чиқилган хроматографик таҳлил шароитлари асосида биологик объект ва биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган левамизолни хроматографияси амалга оширилганда, ишчи стандарт модданинг ушланиш вақти билан бир хил натижа бериши кузатилди.

Тажрибалар натижасида услубнинг левамизол учун аниқлашларнинг чизиқли диапазони 0,015-0,075 мкг ва сезгирлиги 0,01 мкгни ташкил этди.

Учинчи боб «Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг спектрал таҳлил услубларини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлиб, бунда имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини спектрал усуллардан: УВ-спектрофотометрия ва ТДСИС усулларида таҳлил қилишнинг мўътадил услубларини ишлаб чиқиш ҳамда кимё-токсикологик объектлардан ажратиб олинган моддани аниқлаш учун татбиқ этишга бағишланган тадқиқотлар баён этилган.

УВ-спектрофотометрия усули сезгирлиги, тезкорлиги ва осон бажарилиши билан бир қанча афзалликларга эга. Шу билан бирга ҳозирги

кунда Республика Суд-тиббий экспертизаси илмий-амалий маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларининг суд-кимё бўлимлари мазкур асбоб билан етарлича таъминланганлигини инobatга олиб, имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини УБ-спектрофотометрия усулида таҳлили ўрганилди. Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларининг УБ-спектрофотометрик таҳлилини ишлаб чиқиш учун «Agilent Technologies» фирмасининг 8453E Spectroscopy System русумли спектрофотометридан фойдаланилди.

Бунинг учун 0,05 г (а.т) альбендазолни стандарт намунасида тортилиб, 50 мл ўлчов колбасига солиниб, уни 0,1 М хлорид кислотада эритилди ва ҳажмини ўлчов колбасини белгисигача 0,1 М хлорид кислота билан етказилди. Альбендазолни оптик кўрсаткичини аниқлаш учун қатлам қалинлиги 10 мм, тўлқин узунлиги 220 дан 350 нм соҳасида олиб борилди. Солиштирилувчи эритма сифатида 0,1 М хлорид кислота олинди. Тажриба натижалари асосида альбендазолнинг 0,1 М хлорид кислотадаги эритмаси 291 нм тўлқин узунлигида юқори нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди.

Олинган таҳлил натижалари асосида альбендазолни 1-5 мкг/мл микдордаги эритмаси Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсиниши аниқлаб олинди. Альбендазолнинг солиштирама ва моляр нур ютиш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари мос равишда, ўртача 1032,4 ҳамда 27405,4 ташкил қилди.

Мебендазолни УБ-спектрофотометрия усулида оптик кўрсаткичини аниқлаш учун 0,05 г (а.т) мебендазолни стандарт намунасида тортилиб, 50 мл ўлчов колбасига солинди ва 0,1 М хлорид кислотада эритилди. Тайёрланган эритмани ўлчов колбасини белгисигача 0,1 М хлорид кислота билан етказилди ва мебендазолни оптик кўрсаткичини аниқлаш учун қатлам қалинлиги 10 мм, тўлқин узунлиги 220 дан 350 нм соҳасида олиб борилди. Солиштирилувчи эритма сифатида 0,1 М хлорид кислота қўлланилди. Тажриба натижалари асосида мебендазолнинг 0,1 М хлорид кислотадаги эритмаси 286 нм тўлқин узунлигида юқори нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди.

Тажриба натижалари асосида мебендазолни 2-10 мкг/мл микдордаги эритмаси Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсиниши аниқлаб олинди. Мебендазолнинг солиштирама ва моляр нур ютиш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари мос равишда, ўртача 587 ҳамда 17316,5 ташкил қилди.

Медаминни оптик кўрсаткичини аниқлаш учун 0,05 г (а.т) медаминни стандарт намунасида тортилиб, 50 мл ўлчов колбасига солинди ва 0,1 М хлорид кислотада эритилди. Тайёрланган эритмани ўлчов колбасини белгисигача 0,1 М хлорид кислота билан етказилди ва оптик кўрсаткичини аниқлаш учун қатлам қалинлиги 10 мм, тўлқин узунлиги 220 дан 350 нм соҳасида олиб борилди. Солиштирилувчи эритма сифатида 0,1 М хлорид кислота қўлланилди. Тажриба натижалари асосида медаминнинг 0,1М хлорид кислотадаги эритмаси 281 нм тўлқин узунлигида юқори нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқланди.

Олинган таҳлил натижалари асосида медаминни 5-25 мкг/мл микдордаги эритмаси Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсиниши аниқлаб олинди. Медаминнинг солиштирма ва моляр нур ютиш кўрсаткичлари мос равишда, ўртача 425,9 ҳамда 8143,9 қийматларни ташкил қилди.

Левамизолни УБ-спектрофотометрия усулида оптик кўрсаткичини аниқлаш учун 0,05 г (а.т) левамизолнинг стандарт намунасида тортилиб, 50 мл ўлчов колбасига солинди ва 0,1 М сульфат кислотада эритилди. Тайёрланган эритмани ўлчов колбасини белгисигача 0,1 М сульфат кислота билан етказилди ва қатлам қалинлиги 10 мм, тўлқин узунлиги 220 дан 350 нм соҳасида таҳлили олиб борилди. Солиштирилувчи эритма сифатида 0,1 М сульфат кислота қўлланилди. Тажриба натижалари асосида левамизолнинг 0,1 М сульфат кислотадаги эритмаси 210 нм тўлқин узунлигида юқори нур ютиш кўрсаткичига эга эканлиги аниқлаб олинди.

Тажриба натижалари асосида левамизолни 1-7 мкг/мл микдордаги эритмаси Бугер-Ламберт-Бер қонунига бўйсиниши аниқлаб олинди. Тажрибалар асосида олинган маълумотларга таянган ҳолда левамизолни солиштирма ва моляр нур ютиш кўрсаткич қийматлари ҳисобланди. Левамизолнинг солиштирма ва моляр нур ютиш кўрсаткичларининг ўртача қийматлари мос равишда, ўртача 1190 ҳамда 24311,7 ташкил қилди.

УБ-спектрофотометрик усулда олинган натижалар биологик объект ва биологик сувоқликлардан ажратиб олинган ва ёт моддалардан тошланган ажратмалар таркибидан имидазол ҳосилалари бўлган ангигельминт дори воситаларини ушбу усулда идентификациялаш ва микдорий таҳлилининг амалга оширишда қўлланилди ва ижобий натижаларга эришилди.


Термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопия усули органик моддалар таҳлилида қўлланиладиган физик-кимёвий усуллар орасида ўзининг сезгирлиги, жуда кам микдордаги текширилувчи моддаларни аниқлашга имкон бериши билан ажралиб туради. Ушбу усул Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг У.А.Орифов номидаги электроника институти томонидан тавсия этилган бўлиб, бу модда молекулаларини ҳароратини дастурлаштирилган йўсинда буғлатиш ва уларнинг сирт ионлашув детекторида термодесорбцион спектрлар кўринишида кайд қилинишига асосланган. Таҳлиллар ПИИ-Н-С «Искович-1» аппаратида олиб борилди.

Термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик таҳлиллар қуйидаги шароитда олиб борилди: эмиттер - иридий қоришмали оксидланган молибден; эмиттер кучланиши - 405 В; эмиттер ҳарорати - 390 - 420°C, буғлатиш ҳарорати - хона ҳароратидан 505°C; ҳаво оқими - 50 л/соат (компрессор кучланиши 12 В); таҳлил учун олинган текширилувчи намуна ҳажми - 1,0 мкл; таҳлил давомийлиги - 3 дақиқа; спектрларни ёзиб олиш бевосита компьютер дастури ёрдамида амалга оширилади.

Альбендазолнинг стандарт намунасида 0,01 г (а.т) тортилиб, сифими 10 мл бўлган ўлчов колбасида 0,1 мл 1% хлорид кислотада эритилди ва ҳажми белгисигача 95% этил спирти билан етказилди. Шу эритмадан альбендазолнинг 100 мкг/мл ишчи стандарт эритмаси тайёрланиб,

микрошприц ёрдамида 1 мкл миқдорда ПИИ-Н-С «Искович-1» аппаратининг буглатгич лентасидаги цилиндрик чуқурчага солинди ва альбендазолнинг термодесорбцион сирт ионлашув спектрлари олинди. Олинган термодесорбцион спектрларни компьютернинг маълумотлар банкига эталон спектр сифатида ёзиб қўйилди.

Альбендазолнинг термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик тадқиқотлари, унинг 95% этил спиртдаги эритмаси  $-382 \pm 10^{\circ}\text{C}$  чизикли спектрни ҳосил бўлиши кузатилди. ТДСИ спектрлари асосида биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган ва ёт моддалардан тозаланган намуна эритмани альбендазолнинг ишчи стандарт намуналарининг максимал ионлашув ҳарорати билан бир хил натижа бериши кузатилди (5-расм).





Абсцисса чизиги бўйлаб эмиттер ҳарорати (Т),  $^{\circ}\text{C}$ ; Ордината чизиги бўйлаб ток кучи қиймати (I), А.

**5-расм.** Альбендазолнинг ТДСИ спектрлари: 1-альбендазолнинг ишчи стандарт намунаси, 2-пешобдан ажратиб олинган альбендазол, 3-қондан ажратиб олинган альбендазол

Усулнинг альбендазол учун аниқлашларнинг чизикли диапазони 10-50 мкг ва сезгирлиги 0,5 мкг ни ташкил этди.

Медаминни стандарт намунасида 0,01 г (а.т.) тортилиб, сифими 10 мл бўлган ўлчов колбасида 0,1 мл 1% хлорид кислотада эритилди. Тайёрланган эритманинг ҳажми колба белгисигача 95% этил спирти билан етказилди. Шу эритмадан медаминнинг 100 мкг/мл ишчи стандарт эритмаси тайёрланиб, микрошприц ёрдамида 1 мкл миқдорда ПИИ-Н-С «Искович-1» аппаратининг буглатгич лентасидаги цилиндрик чуқурчага солинди ва медаминнинг термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик таҳлили олиб борилди.

Медаминнинг олинган термодесорбцион спектрларни компьютернинг маълумотлар банкига уни эталон спектр сифатида ёзиб қўйилди (6-расм).




**6-расм. Медаминнинг ТДСИ спектрлари: а) 1-медаминнинг ишчи стандарт намунаси, 2-пешобдан ажратиб олинган медамин;**

**б) 1-медаминнинг ишчи стандарт намунаси, 2-қондан ажратиб олинган медамин**

Термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик тадқиқотлари натижасида медаминнинг 95% этил спиритдан эритмаси  $-179 \pm 15^\circ\text{C}$  ва  $\sim 227 \pm 10^\circ\text{C}$  ларда чизиқли спектрларни пайдо бўлиши билан аниқлаб олинди. ТДСИ спектрлари асосида биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган ва ёт моддалардан тозаланган намуна эритмаси медаминнинг ишчи стандарт намуналарининг максимал ионлашув ҳарорати билан бир хил натижа бериши кузатилди. Тажрибалар натижасида усулнинг медамин учун аниқлашларнинг чизиқли диапазони 1-100 мкг ва сезгирлиги 0,5 мкг ташкил қилиши аниқланди.

Левамизолни стандарт намунасида 0,01 г (а.т) тортилиб, сиғими 10 мл бўлган ўлчов колбасида 95% этил спирити билан эритилди ва ҳажми белгисигача 95% этил спирити билан етказилди. Шу эритмадан левамизолнинг 100 мкг/мл ишчи стандарт эритмаси тайёрланиб, микрошприц ёрдамида 1 мкл миқдорда ПИИ-Н-С «Искович-1» аппаратининг буғлатгич лентасидаги цилиндрик чуқурчага солинди ва левамизолнинг термодесорбцион сирт ионлашув спектрлари олинди.

Левамизолнинг олинган термодесорбцион спектрларни компьютернинг маълумотлар банкига эталон спектр сифатида ёзиб қўйилди (7-расм).




**7-расм. Левамизолнинг ТДСИ спектрлари: 1-левамизолнинг ишчи стандарт намунаси, 2-пешобдан ажратиб олинган левамизол, 3-қондан ажратиб олинган левамизол**

Левамизолнинг термодесорбцион сирт ионлашув спектроскопик тадқиқотлари, унинг 95% этил спиртдаги эритмаси  $\sim 139 \pm 10^\circ\text{C}$  чизиқли спектрни ҳосил бўлиши кузатилади. ТДСИ спектрлари асосида биологик суюқликлар таркибидан ажратиб олинган ва ёт моддалардан тозаланган намуна эритмани левамизолнинг ишчи стандарт намуналарининг максимал ионлашув ҳарорати билан бир хил натижа бериши кузатилади. Усулнинг левамизол учун аниқлашларнинг чизиқли диапазони 50-100 мкг ва сезгирлиги 1 мкг ташкил этади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини сувли муҳитдан органик эритувчилар ёрдамида экстракция қилиш шароитларини ишлаб чиқиш ва уларга таъсир этувчи омилларни ўрганиш»га бағишланган. Ушбу бобда имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини экстракция шароитларини ишлаб чиқишга бағишланган тадқиқотлар баён қилинган. Ушбу тадқиқотлар биологик суюқликлардан захарли моддаларни ажратиб олишда қўлланилди. Бу эса имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситалари билан ўткир захарланиш ҳолатлари юз берганда инсонларга тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун тезкор таҳлил ўтказиш ва тўғри ташхис қўйишда муҳим ҳисобланади.

Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини сувли муҳитдан органик эритувчилар ёрдамида экстракциялаб ажратиб олишда таъсир этувчи омиллар: эритманинг pH кўрсаткичи, органик эритувчилар табиати, экстракция сони ва электролитларнинг таъсири ўрганилган. Ажратиб олиш жараёнига органик эритувчининг табиатини таъсирини ўрганиш учун этилацетат, диэтил эфири, бензол, хлороформ, гексан каби эритувчилардан фойдаланилди. Экстракция жараёнига муҳитнинг pH кўрсаткичи катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун стандарт фиксаналлар ёрдамида (ГОСТ 8.135-74, pH метрик стандарт титр) pH муҳитнинг кўрсаткичлари 1,68; 3,56; 4,01; 6,86; 9,18; ва 12,45 тенг бўлган эритмалар тайёрланди ва альбендазол, мебендазол, медамин ва левамизолларнинг экстракциясига таъсири ўрганилди. Таҳлил натижалари 8-9-расмлар ва 2-5 жадвалларда келтирилган.



а



б

8-расм. Сувли муҳитдан альбендазол (а) ва мебендазол (б)ни экстракциясига органик эритувчи ва pH кўрсаткичининг таъсирини ўрганиш чизмаси (n=1)

2-жадвал


**Альбендазолни экстракциясига электролитлар ва экстракция  
сонининг таъсири (n=5)**

Электролит	Экстракция сони ва ажратиб олинган альбендазол миқдори							
	1 марта		2 марта		3 марта		4 марта	
	мкг	%	мкг	%	мкг	%	мкг	%
Электролит қўшилмаган	50,62	50,62	78,81	78,81	85,70	85,70	87,14	87,14
(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	48,95	48,95	77,34	77,34	83,72	83,72	85,65	85,65
NaCl	46,62	46,62	75,53	75,53	82,84	82,84	84,12	84,12


3-жадвал

**Мебендазолни экстракциясига электролит ва экстракция  
сонининг таъсири (n=5)**

Электролит	Экстракция сони ва ажратиб олинган мебендазол миқдори							
	1 марта		2 марта		3 марта		4 марта	
	мкг	%	мкг	%	мкг	%	мкг	%
Электролит қўшилмаган	60,80	60,80	90,78	90,78	96,80	96,80	97,15	97,15
(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	58,75	58,75	88,43	88,43	96,55	96,55	97,41	97,41
NaCl	57,64	57,64	87,62	87,62	94,84	94,84	95,17	95,17



а



б

**9-расм. Сувли муҳитдан медаминни (а) ва левамизол (б)ни  
экстракциясига органик эритувчи ва рН кўрсаткичининг таъсири  
ўрганиш чизмаси (n=1)**

4-жадвал

**Медаминни экстракциясига электролит ва экстракция  
сонининг таъсири (n=5)**

Электролит	Экстракция сони ва ажратиб олинган медамин миқдори							
	1 марта		2 марта		3 марта		4 марта	
	мкг	%	мкг	%	мкг	%	мкг	%
Электролит қўшилмаган	78,53	78,53	92,72	92,72	97,65	97,65	98,25	98,25
(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	76,82	76,82	91,54	91,54	95,94	95,94	96,75	96,75
NaCl	75,63	75,63	92,34	92,34	96,84	96,84	97,17	97,17

**Левамизолни экстракциясига электролит ва экстракция  
сонининг таъсири (n=5)**

Электролит	Экстракция сони ва ажратиб олинган левамизол миқдори							
	1 марта		2 марта		3 марта		4 марта	
	мкг	%	мкг	%	мкг	%	мкг	%
Электролит қўшилмаган	37,02	37,02	72,62	72,62	96,59	96,59	97,64	97,64
(NH <sub>4</sub> ) <sub>2</sub> SO <sub>4</sub>	27,77	27,77	70,34	70,34	92,37	92,37	93,55	93,55
NaCl	27,04	27,04	69,42	69,42	90,35	90,35	92,72	92,72

Бешинчи боб «Имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини турли объектлардан ажратиб олиш шароитларини ишлаб чиқиш» деб номланган бўлиб, изланишлар давомида ўрганилаётган антигельминт дори воситаларини биологик суюқликлардан экстракцияси ўрганилди. Бунда имидазол ҳосилалари бўлган антигельминт дори воситаларини биологик суюқликлардан ажратиб олишда 4-бобда келтирилган мўътадил экстракция шароитларидан фойдаланилди ва ўрганилаётган моддаларнинг миқдорий таҳлили УБ-спектрофотометрия усулида ҳамда унга муқобил усул бўлган ЮССХ усулларида олиб борилди.

*Альбендазол, мебендазол ва левамизолни биосуюқликлардан экстракциялаш шароитлари:* 25 мл пешоб ва 5 мл қон намуналаридан олиниб, альбендазол учун 2 М хлорид кислотаси билан рН=4,0-5,0 муҳитга, мебендазол учун аммиакнинг 25% эритмаси билан рН=6,0-7,0 муҳитга, левамизол учун 0,1 М сульфат кислотаси эритмаси билан рН=3,0-4,0 муҳитга келтирилди. Уларнинг устига альбендазол сақлаган биологик суюқликларга 10 мл гексан, мебендазол ва левамизол сақлаган биологик суюқликларга 10 мл хлороформ қўшиб, 10 дақиқа давомида механик чайқатгичда чайқатилди. Шундан сўнг аралашмалардаги оксил моддаларни чўктириш мақсадида 5 дақиқа (3000 айл/дак) давомида центрифугаланди. Центрифугатдан органик эритувчилар қатламлари ажратиб олиниб, қолган сувли қатламлари яна 5 мл органик эритувчилар билан экстракцияланиб, улар қуйиб олинди ва экстрактлар бирлаштирилиб, 5 г сувсиз натрий сульфат тузи сақлаган филтёр коғозидан ўтказилди. Филтратдан органик эритувчилар хона ҳароратида парлатилиб, қолдиқларни 5 мл этил спиртида эритилди ва альбендазол, мебендазол ва левамизолни юпқа қатлам хроматография усулида ёт моддалардан тозаланиб, сўнгра уларнинг миқдори УБ-спектрофотометрия ва ЮССХ усулларида аниқланди.

*Медаминни биосуюқликлардан экстракциялаш шароитлари:* 25 мл пешоб ва 5 мл қон намуналаридан олиниб, 0,1 М хлорид кислотаси билан рН=2,0-2,5 га келтирилди ва оксил моддалардан тозаланиш мақсадида 10 мл бензол билан экстракцияланди. Бензол қатлами тишиб юборилди. Биологик суюқлик қисми аммиакнинг 10% эритмаси билан рН=8,0-9,0 га келтирилиб, унга 10 мл хлороформ қўшиб, 10 дақиқа давомида механик чайқатгичда чайқатилди. Шундан сўнг аралашмаларни оксил моддаларни чўктириш

максалида 5 дақиқа (3000 айл/дак) давомида центрифугаланди. Центрифугатдан хлороформ қатлами ажратиб олинди, қолган сувли қатлам 5 мл хлороформ билан экстракцияланиб, хлороформ куйиб олинди. Хлороформли экстрактлар бирлаштирилиб, 5 г сувсиз натрий сульфат тузи сақлаган филтър қоғозидан ўтказилди. Филтър 5 мл хлороформ билан ювилди. Филтратдан органик эритувчи хона ҳароратида парлатилиб, қолдиқни 5 мл этил спиртида эритилди ва медаминни юкка қатлам хроматография усулида ёт моддалардан тозаланиб, сўнгга УБ-спектрофотометрия ва ЮССХ усулида тахлили амалга оширилди. Тахлил натижалари 6- ва 7-жадвалларда келтирилган.

6-жадвал

**Ангигельминт дори воситаларини қондан ажратиб олиш натижалари (5 мл қонга 1,0 мг модда қўшилган)**

№	Моддалар номи	УБ-спектрофотометрия усули		ЮССХ усули			
		аниқланган миқдор		метрологик тахлил натижалари	аниқланган миқдор		метрологик тахлил натижалари
		мг	%		мг	%	
1	Альбендазол	0,552	55,27	$\bar{X} = 52,79$ $S^2 = 2,466$ $S = 1,570$ $S_x = 0,702$ $\Delta \bar{X} = 4,366$ $\Delta \bar{X} = 1,952$ $\varepsilon = 8,270\%$ $\bar{\varepsilon} = 3,698\%$	0,548	54,81	$\bar{X} = 56,46$ $S^2 = 2,477$ $S = 1,574$ $S_x = 0,703$ $\Delta \bar{X} = 4,176$ $\Delta \bar{X} = 1,957$ $\varepsilon = 7,749\%$ $\bar{\varepsilon} = 3,465\%$
		0,533	53,30		0,586	58,60	
		0,517	51,74		0,570	57,02	
		0,523	52,35		0,550	55,01	
		0,513	51,32		0,569	56,90	
